

№12 (1522)
2025-YIL
25-IYUNO'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

t.me/o'zbekistondasog'liqni-saqlash

IJTIMOIY –SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 –YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

27 июнь – Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни

Эътироф

"THE" РЕЙТИНГИГА КИРГАН ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ОЛИЙГОҲ

Самарқанд давлат тиббиёт институти (2022 йил 1 апрелдан бошлаб университет) республика ҳукуматининг қарори билан 1930 йилда, бундан муқаддам 95 йил олдин ташкил этилган. Самарқанд давлат тиббиёт университети ўзининг шонли тарихи давомида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги етакчи тиббиёт олий ўқув юртиларидан бирига айланиш йўлида узоқ йўлни босиб ўтди.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ўқув дастурларини жаҳон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта қўриб чиқиб, хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ва илмий изланишларни йўлга қўйилмоқда, хорижий мутахассисларни жалб этиб ва миллий кадрларни халқаро тажриба билан таништириб, талабаларнинг амалий билимларини кучайтириш учун симуляцион марказлар ва клиник базаларни ташкил қилиб тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ечимларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларда амалга оширилмоқда. Эътирофлиси шундаки, Самарқанд давлат тиббиёт университети - тиббиёт йўна-

лишдаги олий таълим муассасалари орасида Times Higher Education (THE) рейтингига кирган биринчи Ўзбекистон олийгоҳи сифатида эътироф этилди. Дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг тизимларидан бири ҳисобланган Times Higher Education (THE) томонидан 2025 йил учун эълон қилинган THE Impact Rankings 2025 натижаларига кўра, Самарқанд давлат тиббиёт университети илк бор дунёнинг энг яхши 1000 та олий таълим муассасалари (601–800 ўринлар ораллиги) рўйхатидан муносиб ўрин эгаллади.

Шу жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт университети қуйидаги йўналишлар бўйича сезиларли даражада юқорилади:

Times
Higher
EducationUNIVERSITY IMPACT
RANKINGS 2025SAMARKAND
STATE
MEDICAL
UNIVERSITYIMPACT RANKINGS 2025
601-800GOOD HEALTH AND
WELLBEING 2025
=77GENDER EQUALITY 2025
301-400NO POVERTY 2025
301-400QUALITY EDUCATION 2025
101-200PARTNERSHIP FOR THE
GOALS 2025
101-200PEACE, JUSTICE AND
STRONG INSTITUTIONS 2025
101-200

- Яхши саломатлик ва фаровонлик 77;
- Сифатли таълим 101-200;
- Мақсадлар бўйича ҳамкорлик 101-200;
- Қашиқлик йўқ 301-400;
- Гендер тенглик бўйича 301-400;

Самарқанд давлат тиббиёт университетининг ушбу рейтингда сезиларли даражада юқорилаши олийгоҳда таълим жараёни ва яратилган шароитларнинг жаҳон стандартлари даражасида эканлигини яққол тасдиқлайди.

Давоми 4 ва 5 – бетларда►

Байрам шукуҳи

ЖУРНАЛИСТ – ХАЛҚ
ДАРДИГА МАЛҲАМ,
ҲАЛОЛ СЎЗ СОҲИБИДИР

Бугунги замонда “ахборот майдони” жамиятнинг томири, унинг оғриғи ва юраги каби ишляпти.

Бу майдондаги энг масъулиятли шахслардан бири – журналистдир.

Улар халқ овозини эшитишда, дардини тинглайди, ҳақиқатни излаб, уни жамоатчиликка етказишди. Журналист – бу шунчаки халқ тарқатувчи эмас, балки халқнинг дардига малҳам, ташвишига қалқон бўлган ҳалол сўз соҳибидир.

Айниқса, тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи журналистларнинг меҳнати ҳар канча таҳсинга лойиқ. Улар ҳаёт ва мамот чегарасида юрган инсонлар, оғриқ ва умид ўртасида турган беморлар, уларга ёрдам қўлини чўзган шифокорлар ҳақида ҳолис ва адолатли сўз

Давоми 2 – бетда►

ОҚ ХАЛАТЛИЛАР
ОРАСИДАГИ
ҲАҚИҚАТ ОВОЗИ

«Журналист – бу шунчаки кўлида қалам тутиб турган одам эмас, балки замон виждони, ҳақиқат овози ва жамият ойнасидир», деган эди доғдонишмандларимиздан бири.

Дунёда касблар кўп ва улар хилма-хилдир. Шундай касб эгалари борки, унинг ҳаёт ва фаолият йўлига чизгилар бергин келса, қаламинг ожизлик сўз бойлигинг эса камлик қилади. Дарҳақиқат, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунда биз шундай инсон ҳақида гапираемизки, у шунчаки ёзмайдми – у яратади. Шунчаки гапирмайди – илҳом бағишлайди. Бу инсон – Тошкент давлат университети-нинг матбуот котиби, журналист Гулчехра Туруғуновна Мирзаевадир.

Давоми 2 – бетда►

ИЖОДИМ УЛҒАЙГАН
МЎЎТАБАР
ДАРҒОҲ!

Замонавийлик ва замон билан ҳамнафас юриш яхши албатта. Шу боис интернет ва сунъий интеллект деган тushunchalar қисқа фурсат ичида ҳаётимизнинг

ажралмас бир қисмига айланишга улгурди.

Билмадим, бу бир яхшининг бир ёмони деган мазмунда, ҳулласи биз мутолаа бобида бир оз дангасага айланиб қолдик.

Фаолиятимни журналистиканинг газетачилик йўналишида бошлаганим учун матбуот соҳасига меҳрим ўзгача. Фаолиятим давомида қанчадан-қанча касб эгалари ҳақида ёздим, улар билан суҳбат уюштиридим ва шунча соҳанинг ичига кириб бордим. Бугун мен ўзим учун энг қадрлиси, тиббиёт йўналишининг кўзгуси ва касбий маҳо-

Давоми 3 – бетда►

ҲАМКОРЛИК
ЗАМИРИДА – ХАЛҚ
САЛОМАТЛИГИ

Замон шиддат билан ўзгараётган бир даврда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаётдаги роли мислсиз даражада ортмоқда.

Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, пандемиядан кейинги даврда профилактика маданиятининг кенг тарғиб этилиши, аҳолининг тиббий онгини оширишда журналистлар зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди. Бугун сўз эркинлиги мустаҳкамланаётган, фуқаролик жамияти шаклланаётган Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзи ғояси нафақат тиббиёт ходимларининг, балки ҳар бир журналистнинг ҳам доимий эътиборида бўлиши керак. Зеро, жамият саломатлиги ҳақида ҳолис, аниқ ва асосли ахборот етказиш – бу ҳам касб, ҳам виждон, ҳам фуқаролик бурчидир.

Давоми 3 – бетда►

■ Байрам шукуҳи

ЖУРНАЛИСТ – ХАЛҚ ДАРДИГА МАЛҲАМ, ҲАЛОЛ СЎЗ СОҲИБИДИР

◀ Давоми. Боши 1 –бетда

юритадилар. Бу орқали жамиятда одамларнинг тиббиётга бўлган ишончини уйғотади, мавжуд муаммоларни кўрсатади ва улар ечими учун жамоатчилик фикрини шакллантиради.

30 ЙИЛ – БУ БИР МАКТАБ, БУ БИР КУРАШ, БУ БИР ХАЛҚ УЧУН ХИЗМАТ

Бу йил мамлакатимиз саломатлик тарғиботининг энг муҳим ахборот манбаларидан бири – “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетасига 30 йил тўлади. Юзлаб журналистларга кучоқ очган, шифокор мутахассислар ҳамда тахририят ходимларининг изчил ва фидокорона меҳнати, халқ соғлиги учун хизмат қилишга бағишланган 30 йилликнинг ҳақиқий шодиёнаси дир бу. Тўғриси айтиладиган бўлсак, тиббиёт

журналистикаси - бу энг машаққатли, лекин энг шарафли йўналишлардан бири. Чунки бу йўналишда ишлаётган журналистлар одамларнинг ҳаёти, соғлиги, умиди билан ишлайди. Улар ҳар бир мақоласи, лавҳаси орқали фақатгина ахборот тарқатмайди, балки халқ орасида тиббий маданиятни шакллантиради, касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунча беради, энг муҳими – инсон соғлиги учун курашаётган шифокорларнинг меҳнатини халққа етказилади. Бу соҳа журналистлари беморларнинг кўз ёшига, шифокорнинг орзу умидига, оғрик ва шифо ўртасида кечаётган воқеаларга гувоҳ бўлади. Айниқса, пандемия йилларида тиббиёт журналистикасининг аҳамияти янада кўриниб қолди. “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетаси ҳам айнан ўша оғир кунларда халқни аниқ ва ишончли ахборот билан таъминлашга, касаллик олдини олиш-

га хизмат қилди. Улар дунё бўйлаб юз берган тиббиётдаги илғор янгиликларни, шифокорлар ютуқларини, долзарб муаммоларни ёритиб, халқ соғлиги йўлида хизмат қилишмоқда. Газета саҳифаларида фақат расмий рақамлар, статистик маълумотлар эмас, балки инсон тақдирлари, шифокорлик касби ортидаги қийинчиликлар, изланишлар, фидокорлик ҳам ҳаққоний ёритилади.

Журналист учун энг катта мукофот – бу халқ дуоси. Бу газета жамоаси 30 йил давомида айнан шу эътирофга сазовор бўлиб келмоқда. Чунки, инсон соғлиги - энг олий қадрият. Ушбу соҳани ёритиши эса катта масъулият ва юрак амрини талаб қилади.

Шу маънода, “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетаси нафақат ахборот майдонида, балки соғлом жамият қуриш йўлида ҳам муҳим роль ўйнаб келмоқда. Ҳар бир ҳолис сўз, аниқ

факт ва инсон тақдирига бефарқ бўлмаган мақола – халқ дардига малҳамдир. Журналист – бу қалами билан жамият оғриғига шифо, сўзи билан ҳақиқатга йўл очувчи шахс. Айниқса, тиббиёт соҳасида қалам тебратувчи журналистлар иши энг масъулиятли ва муқаддас вазифалардан биридир. 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни замонaviй жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган, халқ ва давлат ўртасидаги мустаҳкам кўприкни яратиб келаётган қалам соҳиблари, ижодкорларнинг, ахборот соҳасида тинмай хизмат қилаётган барча инсонларнинг меҳнати эътироф этиладиган кундир.

Шу муносабат билан тахририят номидан барча қалам соҳибларига мустаҳкам соғлиқ, ижодий зафарлар, қалббингизда халқ дардига малҳам бўлишдек юксак туйғу асло тарк этмаслигини талаб қоламиз!

Намоз ТОЛИПОВ,
журналист

ОҚ ХАЛАТЛИЛАР ОРАСИДАГИ ҲАҚИҚАТ ОВОЗИ

◀ Давоми. Боши 1 –бетда

Гулчеҳра Мирзаева – шунчаки журналист эмас. У тиббиёт ва сўз дунёси каби бир-биридан узоқ бўлган икки соҳани бирлаштирувчи маданий кўприк. Лекин унинг қўлида бу икки дунё яқдил бир бутунга айланади. У четдан кузатмайди, балки врачлар орасида яшайди, уларнинг дарди, ифтихори ва кундалик курашларини ҳис этади – ва шундай ёритадики, бунини бошқа ҳеч ким унчалик самарали кўрсата олмайдди. Унинг ҳар бир сўзида – оқ халатга бўлган ҳурмат, ҳар бир интервьюсида – меҳр ва нозиклик бор. У “рейтинг” ёки “камров” учун ёзмайди – балки ҳақиқат учун, инсон ҳаётини сақлаб қолувчи инсонларнинг меҳнатини эътироф этиш учун ёзади. Энг ажабланишли – у худди врачдек, фақат танани эмас, руҳни ҳам даволайди. Унинг мақолалари – беморлар ва ўқувчилар учун ўзига хос терапиядир.

Гулчеҳра Туругуновна врачларни ҳам журналист қилиб қўяди. Ҳа, айнан шундай. Унинг шарофати билан ахборот соҳасига алоқаси бўлмаган инсонлар ҳам сўз қимматини ҳис қила бошлайди, фикрларини изҳор қилишни ўрганади, жамият билан катта мулоқотнинг бир бўлагига айланади. У уларга ишонч бағишлайди: «Сен ҳам гапирсанг бўлади. Сен ҳам эшитиласан». Агар инсон ёза бошласа – демек, у аллақачон ўзгарган. Менинг у билан йўлим 2024 йил ноябрь ойида, кутилмаганда, аммо тақдирий тарзда бошланган. Ирискулов Бахтиёр Ўктамовичнинг илмий кенгашида мен ҳақимда айтган яхши фикри туфайли, Гулчеҳра Мирзаева менга катта қизиқиш билдирди ва ҳамкорлик таклиф қилди. Илк суҳбатданок аниқ бўлди – у бефарқ эмас, чинқалб, касбий бурчни яхши ҳис этадиган инсон. У

дарҳол мени ёш иқтидорлар ўз салоҳиятини очадиган муаллифлар клубига таклиф қилди. Шу кундан бошлаб ҳаётим ўзгарди – мақола ёзиш, интервью олиш, сўз ва мулоқот санъатида ўсишни бошладим. Биз Корейдан келган врач билан интервью тайёрлаб, уни менинг номимдан эълон қилдик — бу мен учун ҳақиқий маҳорат мактаби бўлди. Фақат тажриба эмас, балки муҳим жараённинг бир қисмини ҳис қилдим. Лекин, албатта, осон бўлмади. Баъзи инсонлар энтузиазмни қўллаб-қувватламади, шубҳа ва гап-сўзлар бўлди. Аммо Гулчеҳра Мирзаева босимга берилмайдиган инсон. Унинг қатъийлиги, ишончлилиги ва касбий маҳорати барчамиз учун намуна. У шундай деди: «Мен нима қилаётганимни биламан» – ва шунга нукта қўйди. Чунки у Тошкент давлат тиббиёт университетининг бош журналисти — фақат лавозим эмас, балки юракдан келган чақирик бу. Кейинроқ у менга ўзининг «Давр нафаси» китобини совға қилди. Бу шунчаки китоб эмас, балки унинг қалбидан бир бўлак эди. Биз узоқ суҳбатлашдик, келажак ҳақида фикр алмашдик. Бу журналист билан эмас, юксак маънавиятли, устоз, инсон билан учрашув эди.

Унинг уч нафар фарзанди бор. Кичик қизи Мумтозбегим Америкада Ўзбекистон стипендианти сифатида таҳсил оляпти. У опера кўшиқларини ижро этади, саҳналарда чиқиш қилади. Бу таажжубланарли эмас — чунки у ижод, ихтиёр ва санъатга муҳаббат билан улғайган. Гулчеҳра Мирзаева нафақат она, балки буви ҳам. Унга набираларининг орзулари бегона эмас, уларнинг келажаги учун ҳам қайғуриб, уларга ҳам кўмак беришга тайёр. Энг таъсирлиси — у одамлар ҳақида ҳамиша яхши гапирди. Ҳатто бошқалар сукут сақлаганда ҳам. Унинг ҳаёт шиори: «Сўз шифо беради. Мен



бунга ишонаман». Ана шундай ишонч билан у яшайди, ижод қилади ва илҳомлантиради.

Айни пайтда у врачлар ҳақида янги китоб устида ишляпти. Бу, шубҳасиз, кучли асар бўлади, чунки ҳар бир сатр ортида йиллар давомидаги кузатувлар, юзлаб суҳбатлар ва энг муҳими — касбга бўлган муҳаббат бор. Бундай китоб – шунчаки меҳнат эмас, маданий меросдир.

Гулчеҳра Мирзаева – бу аллақачон тиббиёт журналистикасида келажакни яратаётган тирик афсона. У бутун бир мактаб шакллантирмоқда – кичик, лекин қалбдан. У биринчи бўлишдан, окимга қарши чиқишдан ва ёшларга ишонишдан қўрқмайди.

Касб байрамини нишонлаётган барча оммавий ахборот воситалари вакилларида чуқур миннатдорлик билдираман. Айниқса, Гулчеҳра Мирзаева – унинг иқтидори, меҳрибонлиги ва журнали-

стикадаги инсонийлик, илм ва маданият тараққиётига қўшаётган бебаҳо ҳиссаси учун.

Келинг, унинг ҳаёт ҳақиқатларига кўчган, илҳомбахш сўзларидан иқтибос келтираман:

– Эшитилмаганлар овози бўлинг.

– Ҳар бир сўзингиз кўрол эканини унутманг. Уни ақл билан ишлатинг.

– Қилаётган касбингизни қадрланг. Сизнинг чин қалблингизни одамлар ҳис этади.

– Биринчи бўлишдан қўрқманг. Ортингиздан ёруғлик излаётганлар эргашади.

– Ва энг муҳими — яхшиликка ишонинг. Ҳатто бу яхшилик оддий, лекин ҳолис мақолада намоён бўлса ҳам.

Жалолиддин СОЛИЖОНОВ,
Қозон давлат университети
талабаси, "Доктор репортёр"
клуби фаол аъзоси.

■ Байрам шукуҳи

ИЖОДИМ УЛҒАЙГАН МЎЪТАБАР ДАРҒОҲ!

◀ Давоми. Боши 1 –бетда

ратимни мустаҳкамлашда етук мактаб вазифасини ўтаган “O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравосохранение Узбекистана” газетаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Аминманки, ушбу нашрни тиббиёт вакиллари таништириб ўтиришнинг ҳождати йўқ, негаки 30 йилдан буён соҳа фидойиларининг фаолиятига тарих ойнаси бўлиб келаётган газета мен сингари кўпчилиكنинг қалбидан жой олиб улгурган. Кечагидек эслайман, газетага келганимнинг илк кунларида ноқ устоз ким, устозлик мақоми нима ва ҳақиқий устозлик меҳрини ҳис қилганман. Боиси, айна кунда газетанинг бош муҳаррири, устоз Ибодат Соатова билан бирга ишлаш насиб этди, устоздан журналистиканинг сир-асрорию, олтин қондалари, қолаверса, жамоанинг меҳрини қозониб ишлашни ўргандим! “O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравосохранение Узбекистана” газетаси кўплаб журналистларни кашф этган ва кўплаб забардаст шифокорлар фаолияти, ҳаёти ва хотирасини улғўлаган дарғоҳ десам бу ҳам муболага бўлмайди. Сўзимнинг аввалида таъкидлаганимдек, бугун техника, ахборот алмашинуви жараёнлари анча тараққий этган даврда яшайпмиз, бунинкор қилиб бўлмайди албатта. Сабаби, интернет ва ижтимоий тармоқдаги информация саҳифалар орқали тарқалаётган ҳар қандай ахборот тури бир зумда кенг аудиторияни забт этмоқда. Бироқ, минг афсуски ижтимоий тармоққа жойланган материалларда ижодий ёндашув ва мавзу таҳлили деярли учратмаймиз. Мукамал материалларнинг ҳам ҳаворанг тасмали батафсил деган қисмига ўтишга ҳафсала қилмаймиз. Матбуотнинг, газетанинг моҳияти янги авлодга тобора бегоналашиб бормоқда. Ажабланарли жиҳати эса Соғлиқни сақлаш вазирлигидек катта тизимнинг ягона ҳафталик

нашри бўлган газета тиражининг кескин пасайиб кетишидир. Сўнгги йилларда мажбурий обуна деган тушунчани гўёки шиорга айлантириб олгандекмиз. Аммо фермер қишлоқ хўжалигига оид нашрни ўқиши, педагог таълим ислохотларига тегишли манба мутолаа қилиши, шу каби тиббиёт ходими ўз касбининг қайдномаси ҳисобланувчи газетани кузатиб бориши мажбурий обунага кирмаслигини мутасаддиларимиз англаб етиши лозим деб ўйлайман.

Жорий йил йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасига хизмат қилиб келаётган, мутасаддилар назаридан бир оз узоклашган, бироқ ҳал хануз ўз муштариёларига эга “O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравосохранение Узбекистана” газетасининг 30 йиллиги олдидан ҳамда матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан мен учун кадрдон маскан газета таҳририятининг



кадрли жамоасини муборакбод этаман. Ишончим комилки, устоз Ибодат Жўраевна раҳбарлигидаги газета жамоаси тиббиёт соҳаси, шифокорлар ҳамда зийрак газетхонларга яна узок йиллар давомида хизмат қилади.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ,
журналист

ҲАМКОРЛИК ЗАМИРИДА
— ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ

◀ Давоми. Боши 1 –бетда

ТИББИЙ ЖУРНАЛИСТИКА
– НОЗИК МАСЪУЛИЯТ

Тиббий журналистика оддий янгиликлар ёритишдан кескин фарқ қилади. Бу йўналишдаги ҳар бир сўз инсон ҳаёти, саломатлиги ва руҳий ҳолатига бевосита таъсир этади. Шунинг учун ҳар қандай хабарни беришда масъулият, ҳалоллик, аниқлик ва эҳтиёткорлик зарур. Халқ орасида асоссиз ваҳима уйғотмаслик, тиббиёт соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этиш, муаммо ва камчиликларни эса асосли далиллар билан ёритиш тиббий журналистнинг бош мезонига айланиши лозим. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг ислохот босқичларида оммавий ахборот воситаси вакиллари хамкорлиги, ҳамдардлиги ва ҳалоллиги муҳим аҳамият касб этади.

“ГАЗЕТА – ЖАМИЯТНИНГ
ЮРАГИ”

“Ўзбекистон соғлиқни сақлаш – Здравосохранение Узбекистана” газетаси узок йиллар давомида минглаб тиббиёт ходимлари, шифокор, ҳамшира, психолог, педиатр, оилавий шифокор, олий ва ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий йўлдошига айланган. Газета саҳифаларида нафақат тиббиётдаги инновациялар, балки инсонийлик, фидойилик, шифокор этикаси, тиббий саводхонлик, соғлом овқатланиш, соғлом муҳит каби долзарб масалалар мунтазам равишда ёритиб келинмоқда. Айнан мана шу ёндашувлар туфайли сеvimли газетамиз ўз нуфузи ва кенг аудиториясига эга. Мен ушбу газетанинг ёш муҳбири сифатида бу ишонччи ҳис қиламан


ва журналистик фаолиятим давомида тиббиёт соҳасини инсоний ёндашув, замонавий таҳлил ва ёшлар нигоҳи билан ёритишга интиламан.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВА ЁШЛАР НИГОҲИ

Ёшлар соғлом бўлса–келажак соғлом бўлади. Шу сабабдан соғлиқни сақлаш мавзуси ёшларга ҳам бефарқ бўлмаслиги керак. Бу борада ёш журналистларнинг фаоллиги ва ғайрати долзарб аҳамиятга эга. Мен Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти Фаоллар жамоасининг, Ёшлар ҳуқуқлари, қонунчилик ва коррупцияга қарши кураш комиссияси аъзоси сифатида ҳам соғлиқни сақлаш тизимидаги очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига катта эътибор бераман. Чунки, соғлиқни сақлаш тизими аҳолига бевосита хизмат қилувчи тизим бўлиб, ундаги ҳар бир янгилик, қарор ва ислохот омма учун очиқ бўлиши, журналистлар эса уларни халққа тушунарли тилда етказиб бериши зарур деб биламан.

ПАНДЕМИЯ САБОҚЛАРИ –
АХБОРОТ МАСЪУЛИЯТИНИНГ
НАМОЁНИ

COVID-19 пандемияси инсоният тарихидаги энг синовли даврлардан бири бўлди. Айнан шу даврда оммавий ахборот воситалари ва тиббиёт ходимларининг хамкорлиги, ахборот тезлиги, аниқлиги ва халқларварлик мезонлари янада кучайди. Журналистлар нафақат касаллик ҳақида хабардорликни оширди, балки нотўғри ахборотларга қарши курашди, психологик ёрдам, ижтимоий бирдамлик ғояларини илгари сурди. Бу – журналистиканинг нафақат хабарчи, балки тарбиячи, йўлбошчи ва тиббий



маданият шакллантирувчи кучга айланганлигини кўрсатди.

СЎЗ ХОЛИС БЎЛСА,
САЛОМАТЛИК
МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

Ахборот – куч. Агар бу куч соғлом жамият учун ишлатилса, у натижа беради. Журналистиканинг асосий вазифаси эса айнан халқ манфаати учун хизмат қилишдир. Шу сабабли, ҳар бир муҳбир, ҳар бир журналист ўз касбини жамият саломатлигига ҳисса қўшиш воситаси деб билиши керак. Ўзбекистонда бу борада ижобий силжишлар, эркин ахборот майдони шаклланиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари ходимлари тиббий мавзуларда журналистик изланишлар олиб бормоқда. Бу эса соғлом жамият сари муҳим қадамлардир. Бугун оммавий ахборот воситалари ходимлари ва соғлиқни сақлаш соҳаси ҳар доимгидан ҳам кўпроқ хамкорликда ишлашни тақозо этмоқда. Чунки бу хамкорлик замирида биргина ғоя ёта-

ди – халқ саломатлиги. Бу йўлда барча журналистлар бирдек масъул бўлиши, шунингдек, ёш бўладими, тажрибали бўладими, муҳбирми ёки таҳлилчими – барчамизнинг сўзимиз халқ ҳаётига таъсир қилади. Шу боис, оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида биз, ёш журналистлар, касбимизга юксак масъулият ва фидойилик билан ёндашишга, айниқса, соғлиқни сақлаш мавзуларини холис, ҳаққоний ва тушунарли ёритишга ваъда берамиз.

“Саломат жамият – барқарор келажак!” деган тамойилни ҳар бир сарлавҳага айлантириш вақтидир!

Мухаммад Али РЎЗИБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти Фаоллар жамоасининг, Ёшлар ҳуқуқлари, қонунчилик ва коррупцияга қарши кураш масалалари комиссияси аъзоси.

■ Самарқанд давлат тиббиёт университети 95 ёшда

"THE" РЕЙТИНГИГА КИРГАН ЎЗБЕКИСТОНДАГИ

◀ Давоми. Боши 1 – бетда

Тиббиёт тизимида малакали кадрларни тайёрлаш учун Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жорий ўқув йилида университетда 14500 зиёд талабалар таҳсил олмоқда, шу ўқув йилнинг ўзида бакалаврга 1916 талаба, магистратурага 203, клиник ординатурага 530-та врач 1 курсга ўқишга қабул қилинди. Алоҳида эътибор бериш керак-ки университетимизда 8 та факультетда даволаш, педиатрия, стоматология, тиббий биология, тиббий профилактика, фармация, халқ тадбири, олий ҳамширалик иши, соғлиқни сақлаш менеджменти, тиббий педагогика, косметология, клиник психология, психология, биотехнология, саноат фармация, биоинженерия йўналишлар бўйича талабалар ўқиб келмоқда. Магистратура резидентлари 37 та йўналиш бўйича ва клиник ординаторлар 53 та йўналишлар бўйича дипломдан кейин ўқишларни давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони ҳамда «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тад-

ситет ичида “Қўшма таълим дастурлари фаолиятини ташкил этиш бўлими” негизида “Қўшма таълим” факультети ташкил этилди. Ҳозирги пайтда Қўшма таълим факультетида 302 нафар талаба 6 та давлат билан қўшма таълим дастурлари бўйича таҳсил оляпти. Россия Федерацияси ҳамкорлигида Приволжск тадқиқот тиббиёт университети билан педиатрия, даволаш ва стоматология йўналишлари бўйича, Алтай давлат тиббиёт университети билан стоматология йўналиши бўйича, Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети билан фармация йўналиши бўйича, Ульянов номидаги Чуваш давлат университети билан клиник психология йўналиши бўйича, Польша Республика-

индской области

кор

фес

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и

и



соҳаларда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани илғор биотехнологиялар асосида ривожлантириш, шунингдек, 2022-2026 йилларга Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида, ҳамда халқаро ҳамкорлик натижасида 2024 йилда Самарқанд давлат тиббиёт университетида янги фундаментал тиббиёт ва биотехнология, биотибиёт муҳандислиги йўналишлари бўйича малакавий кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-188-сон Қарори асосида университет битирувчи босқич талабалари учун поликлиникалар ва клиник базаларда 6 ойлик малакавий амалиёт кўринишидаги субординатура жорий қилинди ва университет таркибида: Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, Қўп тармоқли клиникаси ва ихтисослашган болалар хирургик клиникаси, Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-текшириш институти ва унинг клиникаси, Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ва Иммунология, аллергология ва инсон генетики илмий марказини фаолияти йўлга қўйилди. Вилоятимиз ҳудудларида турли касалликлар кўрсаткичларини инобатга олиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда университетнинг 1-сон ва 2-сон хирургик касалликлар, 1-сон ва 2-сон ички касалликлар, 1-сон акушерлик ва гинекология, гематология, 1-сон ва 2-сон педиатрия, травматология ва ортопедия, умумий хирургия, кўз касалликлари, анестезиология ва реанимация, 1-сон ва 2-сон оториноларингология ҳамда педиатрия факультетининг хирургик касалликлар кафедралари барча туман ва шаҳарларга бириктирилди ҳамда кафедралар клиник базалари туман тиббиёт бирлашмаларига жойлаштирилган.

Самарқанд вилоятида жойлашган Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида клиник базаларини ташкил этиш мақсадида 9-та Самарқанд, Сиёб, Ургут, Пастдарғом,



бирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишуви бўйича қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш мақсадида, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорининг 2023 йил 25 майдаги № 249 АФ сонли буйруғи бўйича 2023 йил 1 июнидан бошлаб универ-

си ҳамкорлигида Лоренс университети қошидаги олий бизнес мактаби Менежмент, соғлиқни сақлаш менежменти йўналиши бўйича, Слупсдаги Поморск университети косметология йўналиши бўйича, Беларуссия Республикаси ҳамкорлигида Витебск Давлат халқлар дўстлиги ордени тиббиёт университети, Беларус давлат тиббиёт университети билан клиник ординатура ва магистратура дастури бўйича кардиохирургия, кардиология, акушер-гинекология,

стоматология, оториноларингология, хирургия йўналишлари бўйича талабалар ўқиб келмоқда. 2025-2026 ўқув йилдан бошлаб Туркиянинг Sog'liq Bilimleri Universiteti, Хитой Республикаси ҳамкорлигида Шинжон тиббиёт университети билан халқ тадбири, АҚШ, Вебстер университети билан олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича, И.Кант номидаги Болтик федерал университети билан қўшма таълим дастурлари асосида янги йўналишларини очилиши режалаштирмоқда.

Жорий йилнинг 29 май куни Италиянинг Пиза университети ректори Riccardo Zucchi Самарқанд давлат тиббиёт университетига ташриф буюрди ва “Самарқанд давлат тиббиёт университети фахрий профессори” унвони топирилди, университетлар ўртасида меморандумлар имзоланди. Меморандумга кўра 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб магистратура босқичида қўшма таълим дастури асосида 1 босқичи Самарқанд давлат тиббиёт университетида (1 йил), 2 босқичини Пиза университетида (1 йилу 3 ой) магистратура резидентлари ўқиб, 2 та давлатнинг дипломларига эга бўдилар. Ткидлаш жиоз-ки, Пиза университетинг 1-даражали магистрлик дипломи Европа иттифоқи давлатларида фаолият юритиш имконини беради. Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, ушбу

■ Самарқанд давлат тиббиёт университети 95 ёшда

БИРИНЧИ ОЛИЙГОҲ

Иштихон, Каттакўрғон, Пахтачи Абу Али Ибн Сино номидаги техникумлари ва академик лицейга Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 47 та клиник ва 6 та теоретик кафедралари бириктирилди, натижада жамоат саломатлиги техникум ва лицейда талабаларнинг ўқув амалиётини ўтиши йўлга қўйилган. Университетда илмий изланишларга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Самарқанд давлат тиббиёт университетида фан доктори ва фалсафа доктори даражаларини олиш мақсадида 2020 йилда – 22та, 2021 йилда – 46 та, 2022 йилда – 77 та, 2023 йилда – 83 та, 2024 йилда – 85 та, 2025 йил (июнь ойигача) 83 та диссертациялар химоя қилинди, университетнинг илмий салоҳияти 62,2 фоизни ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда университетда PhD ва DSc диссертацияларни химоя қилиш учун 4 та Илмий Кенгаш фаолияти йўлга қўйилган. Университетнинг етакчи профессорлари раҳбарлигида Корея, Франция, Қозоғистон, Покистон ва Ҳиндистонлик изланувчилар PhD ва DSc диссертацияларини химоя қилмоқдалар. 2024-2025 йил давомида университетимизда 250 дан зиёд халқаро ва республика конференция, вебинар, мастер-класс, форум, олимпиада ва кўргазмалар ташкил этил-

дан 47 жамоа, 4600 дан ортиқ талабалар онлайн ва офлайн тарзда 41-та йўналиш бўйича қатнашди. 2025 йил 26 март куни Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳамда Meros Pharm компанияси ўртасида имзоланган меморандум доирасида университетнинг бакалавр босқичида таълим олаётган талабалар учун стипендиялар танловида ғолиб бўлган 15 нафар университет талабала-



Тадбирда 600 та зиёд университет битирувчилари фаол қатнашиб, ҳозирги кунда университетимизнинг фаолияти таълим тизими ҳамда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Самарқанд давлат тиббиёт университетида тахсил олаётган иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар ва қулайликлар яратиш, қолаверса университетда таълим сифати ва шароитини янада такомиллаштириш, талабалар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида доимий равишда учрашувлар ўтказмоқдамиз. Жумладан, 5 июнь куни “Долзарб 90-кун” тадбирлари доирасида иқтидорли, билимга чанқоқ ва тенгдошларига ўрнатилган талаба ёшлар билан учрашувида 100 зиёд “Ректор стипендияси”ни қўлга киритган, ҳамда бир қатор Республика ва халқаро миқёсидаги танловлар, фан олимпиадалар, номдор стипендиантлар соҳибларига диплом ва сертификатлар топширдик. 2025 йил 21 июнь куни Самарқанд давлат тиббиёт университетида “Битирувчилар оқшоми” тантанали байрам дастури ташкил этилди. Тадбир очилишида Ўзбекистон республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири К. Шарипов ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Худаяров онлайн тарзда, Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Р. Қобилов ҳамда вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳ.Тўхтаевлар 1600 нафар битирувчи талабалар, магистратура резидентлари ва клиник ординаторларни табриклади.

Жамоамизнинг бутун потенциали мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун малакали ҳамда жаҳон талабларига мос кадрларни тайёрлаш ва тиббиёт тизимида амалга оширилаётган оламшумул ислохотларга қўмаклашишга тўлиқ сарфарбар қилинган.

Учинчи Ренессанс пойдеворида турган Янги Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари ва олий тиббий таълим соҳалари жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва катта умидлар билан келажакка интилмоқда.

Жасур РИЗАЕВ.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.



ди. Самарқанд давлат тиббиёт университетида ёш олимлар мактаби ташкил қилинган, 110 та давлатларнинг нуфузли университетлар ва клиникалар ҳамкорлигида академик ва илмий мобиллик доирасида ёш олимларга дарслар ташкил қилинмоқда. Ёзги таътил пайтида, тиббиёт олийгоҳлари талабаларнинг халқаро ёзги ва каникулар мактаб ўтказилмоқда, 2024 йилда 57 талаба Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Индия, Покистон ва Ўзбекистондан 23 та олийгоҳдан қатнашди, 2025 йилда эса август ойида режалаштирилган. Самарқанд давлат тиббиёт университетида 2020 йилдан бошлаб, ҳар йили декабрь ойида “Самарқанд-2020” халқаро олимпиада ўтказилмоқда. 2024 йил 13-14 декабрь кунлари ўтказилган 5-чи Халқаро олимпиадада Корея, Япония, Россия, Польша, Украина, Беларуссия, Италия, Малайзия, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон, Покистон, Индия, Қирғистон ва Ўзбекистон 101 олий таълим муассаса-

рига махсус сертификат тақдим этилди.

2025 йил “Атроф - муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт йили” Самарқанд давлат тиббиёт университети учун ажойиб ва қизиқарли воқеаларга бой ҳамда бир-биридан қолишмайдиган кўплаб ютуқлар эгасига айланди десак, муболаға бўлмайди. Шунини айтиш жоизки, давлатимиз рағбари ташаббуси билан ташкил этилган “Яшил макон” умумиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг март-апрель ойларида Самарқанд давлат тиббиёт университети жамоаси томонидан 1000 тупдан зиёд манзарали кўчатлар экилиб, “Зиёлилар боғи” ташкил этилди. Амалга оширилаётган бу каби кенг ишлар нафақататроф муҳит ва экологияни яхшилашга, балки инсон саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам замин яратди. Жорий йилнинг 17 май куни Самарқанд давлат тиббиёт университетида “Фундаментал, амалий тиббиёт ва фармация ютуқлари” номли талабалар ва ёш олимларнинг 79-халқа-

ро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Халқаро илмий-амалий конференция доирасида Хитой, Германия, Болгария, Туркия, Грузия, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Беларуссия, Россия, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Қарақалпоғистон ва Ўзбекистон республикаларининг 40 дан ортиқ олий тиббий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот марказлари 700 га яқин талабалар ва ёш тадқиқотчилар, 24 та шўъбаларда ўз илмий изланишлар билан фаол иштирок этдилар. Республика олий таълим муассасалари орасида биринчилар қатори университетимизнинг халқаро ISO сертификати эга бўлганлиги, бу таълим жараёни халқаро стандартларга мос равишда давом этаётгани, халқаро рейтингларга кириш имкониятимиз ошиб бораётганини ифодалайди. Университетимиз нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам ўз мақомига эга эканлигини англатади. Ҳозирги кунда университет хорижий ҳамкорлар билан 180 та меморандум имзоланган ва турли хил илмий, амалий, ўқув ишлари олиб борилмоқда. 2025 йилнинг ярим йил давомида университетга Германия, Италия, Франция, Америка, Буюк Британия, Япония, Хитой, Корея, Австрия, Туркия, Россия, Чехия, Беллорусия, Уругвай, Нидерландия, Грузия, Озарбайжон, Россия, Германия, Тожикистон, Қозоғистон, Покистон, Индия, Қирғизистондан 67 делегация ташриф буюрди.

Университет битирувчиларнинг IV форуми жорий йилнинг 31 май куни бўлиб ўтди. Форум доирасида “Уч авлод учрашуви” ташкиллаштириб, университетимизнинг 95 йиллик юбилейига бағишлаб, университетимизнинг Альманах китобини тақдироти бўлиб ўтди.

«Ислохот одимлари

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдулҳоди ИМИНОВ билан тиббиёт тизими-ни ташкил этишнинг жорий қилина бошланган янги модели ва унинг, мақсад-моҳияти ҳақида суҳбат.

– Абдулҳоди Мухиддинович, мамлакатимиз тиббиётида тарихий ислохотлар ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз бошқарувида шу йил 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидан кейинги қисқа вақтнинг ўзида соғлиқни сақлашни энг илғор хорижий тажриба асосида ислох қилиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, бирламчи тиббий–санитария ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш ва янги бошқарув тамойилларини жорий қилиш йўлидаги яратувчиликлар янада кенг кўлам ва суръат касб этмоқда, десак асло янглишмаймиз.

– Албатта, шундай. Соҳани такомиллаштиришнинг янада масъулиятли ва жўшқин даври бошланди. Чунки, мамлакатимиз Президентининг “Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислох қилишни изчил давом эттириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 88–сонли Фармони ва унинг ижросига йўналтирилган “Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни амалга оширишнинг қўшимча чора–тадбирлари тўғрисида”ги 185–сонли қарори янги мақсад, янги куч, янги имкониятлар пайдо қилди.

Бу икки дастуриламалда узоқни кўзланган мақсадлар, уларни амалга оширишнинг аниқ йўл–йўриқлари белгиланган. Жумладан, бирламчи тиббий–санитария ёрдами муассасалари фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиш орқали оилавий поликлиникаларда кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифат ва самарадорлиги оширилади.

– Соғлиқни сақлаш вазирлигининг туман (шаҳар) даражасидаги бўлинмаси, оилавий поликлиникалар, марказий шифохонанинг вазифа ва функцияларини ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишда аҳоли ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилашга киришилди. Бунинг аҳамияти нимадан иборат?

– Ислохотлар, яъни ўзгартиришлар замирида тиббий хизмат самарадорлиги учун қатъий масъулият ҳосил қилиш масаласи турибди. Чунки тузилмаларнинг функция ва вазифалари, аҳоли ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилансагина натижадорлик учун жавобгарлик ҳисси ортади.

Янгиланаётган тизимнинг муқаррар талабларидан яна бири тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини ошириш, уларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вертикал бошқарувида туман (шаҳар) бўғинини ислох қилиш орқали ислохотлар жадаллаштирилади ва мониторингини олиб борилади. Бу, албатта, энг тўғри ечим. Негаки, қуйи бўғин яхши ишласа, ислохотлар ўз–ўзидан жадаллашади. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда қисқа муддатли чора–тадбирларни ўз ичига олган “Тиббиётда 90

кунлик ўзгаришлар вақти” дастури вилоятимизда ҳам бирламчи бўғиндаги шарт–шароитларни замон талаблари даражасида ташкил этишга туртки бўлди.

– Халқаро тажрибага асосланган ҳолда аҳолига бирламчи тиббий–санитария ёрдами кўрсатишнинг янги модели яратилаётган экан, тиббиёт

ТИББИЁТДА ЯНГИ МОДЕЛЬ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

ходимлари, муассасалар фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлади?

– Оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатишдаги ҳиссаси 70 фоизга етказилади. Рақамлаштириш билан қоғозбозликни камайтириш орқали тиббиёт ходимларининг иш юкмаси 30 фоизгача камайтирилади.

2025 йил 1 июлдан мазкур Фармонда белгиланган туман (шаҳар)ларда тажриба–синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий қилинади. Тажриба–синов лойиҳаси доирасида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари негизида туман

уларга филиал сифатида бириктирилган муассасалар ҳамда маҳалла тиббиёт пунктлари ўша ҳудуддаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, юридик мақомга эга бўлган оилавий поликлиникаларга ҳамда уларнинг филиалларига айлантирилади.

– Янги модель жорий этилиши пировардида тиббиётчилар фаолиятида ҳамда хизматлар тури ва сифатида қандай натижалар кўзда тутилган?

– Оилавий поликлиникаларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи оилавий шифокор, педиатр, акушер–гинеколог ва ташхислаш хизматларини кўрсатувчи мутахассислар, шунингдек, аутсорсинг асосида стоматология хизмати йўлга

қўйилади. Оилавий поликлиникалар тиббиёт ходимлари фақат тўлиқ ставкада фаолият юритади. Фуқаролар қайси оилавий шифокорни танлашни ўзлари ҳал қиладилар.

Шунингдек, тиббиёт бригадасига 3 минг нафар, зарур ҳолларда, белгиланган меъёрларга қўшимча аҳоли бириктирилиши мумкин. Бунда 2030 йилга қадар битта тиббиёт бригадасига кўпи билан 1,7 минг нафар аҳоли бириктирилиши стратегик мақсадимиздир. Оилавий поликлиникадан 10 километрдан узоқ масофада жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли

“

Ислохотлар, яъни ўзгартиришлар замирида тиббий хизмат самарадорлиги учун қатъий масъулият ҳосил қилиш масаласи турибди. Чунки тузилмаларнинг функция ва вазифалари, аҳоли ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилансагина натижадорлик учун жавобгарлик ҳисси ортади.

(шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилади. Худудий даражадаги тиббиёт муассасалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган рўйхатга мувофиқ ташкилий, бошқарув ва молиявий жиҳатдан бирлаштирилиб, кўп тармоқли шифохоналарга айлантирилади.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, ушбу янгиланган вилоятимизда Чортоқ туманида жорий этилмоқда. Яъни, туман тиббиёт бирлашмаси негизида туман соғлиқни сақлаш бўлими ташкил қилинмоқда. Айни пайтда бу йўналишда изчил иш олиб борилмоқда.

Фармонга мувофиқ, тажриба–синов лойиҳаси доирасида бирламчи тиббий–санитария ёрдами тизимида янги тузилмаларни шакллантиришга киришилди. Жумладан, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари,

учун тиббиёт ходимларининг сайёр тиббий хизмати йўлга қўйилади.

– Фармонда шифокорлар манфатдорлигини ошириш тўғрисида ҳам кўрсатмалар берилган. Шу ҳақда баътафсилроқ тўхталсангиз.

– Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Мазкур Фармонда ҳам тажриба–синов лойиҳаси доирасида бирламчи тиббий–санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари базавий тариф ставкаларига қўшимча устамалар тўланиши кўрсатиб ўтилди. Масалан, сайёр тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимларига ойлик лавозим маоши ёки базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида устама берилади.

Белгиланган меъёрлардан 10 фоиз ортиқча аҳоли бириктирилган тиббиёт



бригадасига устамалар қўшимча ҳар бир фуқаро учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,3 фоизи миқдорида – шаҳарларда, 0,5 фоизи миқдорида – туманларда амалга оширилади.

Оила саломатлиги бўйича махсус ўқув дастури асосида ташкил этиладиган курсларнинг барча босқичларини муваффақиятли тугатган тиббиёт ходимларига устама, сертификатга мувофиқ, базавий тариф ставкасининг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Тажриба–синов лойиҳаси доирасида туман (шаҳар) марказий шифохоналарида шифокорларнинг ойлик лавозим маошлари – 20 фоиз, ўрта тиббиёт ходимларининг ойлик лавозим маошлари – 10 фоиз миқдорида оширилади.

Оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фаолият самарадорлиги КРИ мезонлари бўйича аниқланади. КРИ кўрсаткичлари асосида ойлик лавозим маошининг 100 фоизгача миқдорда устама жорий этилади.

– Тажриба–синов лойиҳаси доирасида туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари ўқитилади ва ўқув дастури сертификатига эга бўлганларигагина устамалар берилади. Бу шарт уларни доимий изланиш, ташкилотчилик салоҳиятларини ошириб боришга мунтазам ундаб турса керак.

– Мақсад ҳам аслида шу. Ахир, тиббий муассаса раҳбари соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсатни чуқур англаши, ислохотларнинг авангарди, ташкилий, иктисодий, ижтимоий–маънавий жиҳатдан етук бўлиши керак. Бу каби фазилатларини янада камол топтириш учун тиббиётни бошқариш (менежерлик) бўйича ўқув дастури машғулотларига жалб этиладилар. Ўқув дастури якуни бўйича сертификатга эга бўлган раҳбарларга ойлик лавозим маошининг 100 фоизи, раҳбар ўринбосарига – 80 фоизи ҳамда бош ҳамширага – 50 фоизи миқдорида устама белгиланади.

Шунингдек, раҳбар ходимлар учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (КРИ) белгиланади, натижаларига қараб ойлик лавозим маошининг 100 фоизгача миқдорда устама жорий этилади.

Шуниси ҳам борки, бир йил давомида фаолият самарадорлиги кўрсаткичларида (КРИ) ижобий (56 фоиздан юқори) натижаларга эришмаган раҳбар ходимлар лавозимидан озод қилинади.

Мазкур тарихий Фармон негизидаги соғлиқни сақлаш ишларини янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш, инсон қадр–қимматини қўтариш, халқимиз розилигини қозонишдек мақсадни амалга оширишда сиз ва сизнинг раҳбарлигингиздаги жамоага толмас куч–қувват, ғайрат–шижоват тилаб қоламиз.

Абдулла ҒОЗИЕВ,
“Шифокор ва ҳаёт” газетаси
муҳаррири.

«Сарҳисоб

НАТИЖА,

Айниқса, сўнги йилларда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида тарихий ўзгаришлар, катта ютуқларга бой йил бўлди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида давлатимиз иқтисодиётида, маданият ва маънавиятида, ижтимоий-сиёсий ҳаётида, халқимизнинг турмуш тарзида, дунёга бўлган кўз қараши ва фикрлашида демократик ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси, Федерацияга аъзо тармоқ касаб уюшмалари Уставларида, шунингдек, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши низомида касаб уюшмалари органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилганлиги ва ушбу муддат 2025 йили туғанлиги сабабли юқори касаб уюшма органларининг тегишли қарорлари асосида 2025 йилнинг февраль-апрель ойларида 58 та бошланғич касаб уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари ўтказилди. Касаб уюшмаларининг асосий вазифаларининг бири – бу касаб уюшмасига аъзоликнинг афзалликларини тарғибот қилиш орқали касаб уюшма аъзоларининг сонини кўпайтириш, уларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида 2021 йил 1 январь ҳолатига қўра аъзолар сони 35 790 нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 январь ҳолатига эса 47 473 нафарни ташкил этади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши тизимидаги ташкилотларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ҳисобот давомида меҳнат инспекцияси томонидан 136 муассаса ва ташкилотларда жамоатчилик назорати ўтказилди. Ҳисобот даврида меҳнат инспекцияси томонидан 14 153 нафар ходимларнинг ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 8 миллиард 407 миллион 109 минг сўм маблағ ундириб берилишига эришилди. “Ишонч телефонлари”ни мунтазам ва сифатли даражада ишлашини таъминлаш мақсадида соҳада фаолият юритаётган ходимлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашига юридик ва жисмоний шахслар томонидан 685 та оғзаки ва ёзма мурожаатлар келиб тушган. Юқоридаги мурожаатлардан 533 қаноатлантирилган, 141 мурожаатга тушунтиришлар берилган, 2 таси кўрилмасдан қолдирилган, 9 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотга юборилган. Ушбу мурожаатларнинг 533 таси бўйича иш берувчиларга тақдимнома (Кўрсатма) юборилган бўлса, 35 та мурожаат бўйича судга даъво аризалари киритилган. Ходимларнинг ижтимоий иқтисодий ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб 5 та мурожаат бўйича судларда мутахассис сифатида иштирок этилган. Ҳисобот даврида меҳнат инспекторлари томонидан ўрганишлар натижасида иш ҳақи ва қўшимча устамаларни тўлаб бериш

бўйича иш берувчиларга 136 маротаба кўрсатмалар киритилиши натижасида жами 4 миллиард 425 миллион 473 минг сўм ундирилиб берилди.

Тармоқ ходимларига муносиб меҳнат шарт-шароитларининг яратилиш усти-

ТАҲЛИЛ

дан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, уларнинг меҳнатини ҳимоя қилишда бир қатор ишлар амалга оширилди. Ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган жами 3305 та тадбир режалаштирилиб, амалда 2928 тадбирнинг бажарилишига эришилиб, ушбу тадбирлар учун 233 миллиард 570 миллион 721 минг сўм маблағ сарфланган бўлиб, натижада ҳар бир ходимга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сарфланган ўртача маблағ 6 миллион 88 минг 278 сўмни ташкил этмоқда. Маданий-маърифий ишлар натижадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, бажарилиши таъминланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳар бир йилга ном қўйилиб борилиши анаънага айланган бўлиб, ҳар бир қўйилган йил номи асосида амалга ошириладиган давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳисобот даврида 2021 йилдан бугунги кунга келиб давлат дастури бандларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида жами 15 399 нафар ходимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиш мақсадида жами 5 миллиард 355 миллион 634 минг сўмдан ортиқ маблағ, шундан касаб уюшмалари томонидан 3 миллиард 423 миллион 764 минг, иш берувчилар томонидан 1 миллиард 931 млн. 870 минг сўм маблағ сарфланди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» шиори остида ҳисобот даврида 693 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикаси миқёсидаги тарихий ва диққатга сазовор жойларига, 2708 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларининг учун жами 1 миллиард 450 миллион 456 минг сўм маблағ, шунингдек, 10254 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларининг республикамиздаги театр, кино-концерт, музей ва бошқада маданий жойларда дам олишлари учун жами 256 миллион 749 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, ўтказилган спорт мусобақаларига голибларни тақдирлаш учун жами 221 миллион 377 минг 800 сўм маблағ сарфланди. Ҳисобот даврида умум-



халқ ва касб байрамларининг арафасида 12 298 нафар тиббиёт ходимлари жами 1 миллиард 281 миллион 472 минг сўм, 579 нафар фахрийларга 88 миллион сўм ҳамда 429 нафар ёлғиз кексалар, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила аъзолари 104 миллион сўм миқдорида қўллаб-қувватланди. 9-май - «Хотира ва кадрлаш куни» байрами давлатимизда ҳар йили кўтаринки руҳда нишонланиб “Барча ҳаракатларимиз – Инсон кадри учун” деб номланган акцияси ўтказилиб келинмоқда. Шу акция доирасида

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Республика Кенгаши томонидан таёрланган 262 дона Ёдном,

535 дона Қадрнома, шунингдек, самарали меҳнат қилган касаб уюшма фаолларига 80 дона Қадрномалар топширилди. Бу мақсадлар учун жами 95 миллион 364 минг сўм маблағ сарфланди. Ҳар йили 12 май – «Халқаро ҳамширалар куни» касб байрами муносиб нишонланади. Ҳисобот даврида «Ҳамшира» кўрик-танлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси босқичи голиби бўлган 12 нафар, шунингдек, «Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими» танловининг голиби бўлган 120 нафар ходими Қорақалпоғистон Республикаси

Европа Федерацияси билан ҳамкорликда Кенгашга аъзо касаб уюшма вакиллари иштирокида Мўйноқ туманида “Иқлим ўзгариши ва Орол денгизи инқирози: касаб уюшмаларининг муносиб меҳнат ва жамоат саломатлигини таъминлашдаги роли» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Халқаро илмий-амалий конференцияга Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмалари Кенгашига аъзо Ўзбекистон, Тожикистон, Мўғулистон, Қозоғистон тармоқ касаб уюшмалари вакиллари, шунингдек, аъзоликка давогар Қирғизистон ва Қозоғистон тармоқ касаб уюшмаси вакиллари билан биргаликда Руминия ва Финландиялик тармоқ касаб уюшмалари вакиллари иштирок этди. Халқаро илмий-амалий конференция ўз иштини бошлашдан олдин, 23-24 март кунлари тадбир қатнашчилари ва маҳаллий тиббиёт ходимлари иштирокида Мўйноқ туманида «Кемалар қабристон» ва Орол денгизининг ҳозирги соҳилида она табиатни асраб-авайлашга чакириқ сифатида флешмоб ташкил қилинди ҳамда Орол бўйида кум кўчкларини олдини олиш, денгизнинг қуриган тубидан ҳавоги кўтарилаётган тузли ва захарли чангларни камайтириш, чўл шароитига чидамли ва озуқа ўсимликлари кўчатларини етиштириш, денгизнинг қуриган қисмини дарахтзор ва бутазорларга айлантириш мақсадида саксаулул кўчатлари экиш акцияси ўтказилди. Бундан ташқари, тадбир давомида

Мўйноқ туман тиббиёт бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келаётган 40 нафар тиббиёт ходимларига Ўзбекистон соғлиқни

ВА ЖУЛОСА...

соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан тақдирланди. Ушбу мақсадлар учун 28 миллион 215 минг сўм маблағ сарфланди. Ҳисобот даврида ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан 3 миллиард 456 миллион 719 минг сўмлик 900, касаб уюшмалари бюджети ҳисобидан эса 2 миллиард 800 миллион 61 минг сўмлик 732 та йўлламалар олинди, ходимлар соғлиқларини мустаҳкамлашга эришилди.

2025 йил 25-26 март кунлари Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмалари Кенгашининг Халқаро Меҳнат ташкилоти меҳнаткашлар фаолияти бюросининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё сектори ҳамда Жамоат хизмати Интернационалининг

сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Касаб уюшмалари фаолиятидаги ишларни амалга оширишда бугунги кун нуқтаи назаридан ёндошишимиз, янгидан-янги ташаббусларни илгари суришимиз, ижтимоий шериклик ва ҳамкорликни янада кенгайтиришимизни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши келгуси 5 йил учун ўзининг муҳим устувор вазифаларини белгилаб олди.

Лизахан БАЙБОСЫНОВА,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси Ўзбекистон Кахрамони, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори маслаҳатчиси, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Равшанбек Курбанов Давлетовичга синглиси

КУРБАНОВА Ойбиби Давлетовнанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

■ Дил изҳори

Хар бир сўзи шифоли, меҳрибон шифокорлар!

Инсон учун энг катта бойлик – унинг саломатлигидир. Тананга оғриқ кирса, юрак ғамга тўлади, қадамга оғриқ тушса, ҳаётнинг қадри янада чуқур ҳис этилади. Яқинда бўғимларимдаги оғриқ туфайли юролмай қолган пайтларимда инсон ҳаётида тиббиёт ва шифокорларнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини юрак-юрагимдан ҳис этдим.



Хар йили республика-мизнинг шифохоналарида даволанаман, аммо ёш ўтган сари касаллик аломатлари кўп безовта қила бошлагач, яқин ҳудуддаги шифохоналардан биринчи бўлиб нажот излашга мажбур бўлар экансан. Фарзандларим қўл ва оёқларимдаги кучли оғриқлар безовта қилганлиги учун мени Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига олиб келишди. Кўп касалликлар асаб тизими билан боғлиқ бўлганлиги сабабли мени тажрибали невропатолог Ваҳобжон Қаландаров самимийлик билан

кутиб олиб, эринмасдан хар бир даво босқичларини тушунтирди ва марказнинг ревматология бўлимида шошилиш даволанишим учун тавсия берди. Ваҳобжоннинг доимий назорати ва йўл-йўриқлари билан мен ревматология бўлимига жойлашдим. Бўлимга кириб борар экансиз, у ердаги тозалик-озодалик, саринжом-сариншталлик, айниқса, тиббиёт ходимларининг беморларга муомала-манифакати мени дардимни анча енгиллаштирди. Бўлим мудири Латифжон Зиёдиллаев ҳақида қанча гапирсам камлик қилади. У 2019 йил Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган. Ревматология мутахассислиги бўйича клиник ординатуриани ўтаб, ўз устида тинмай изланиб келмоқда. Бир нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, оилада суюкли ёр. Инсон кадрини улуғлайдиган, саломатликни энг олий неъмат деб билувчи Латифжон бошчилигидаги бўлим ва унинг аҳил жамоаси меҳнатидан вилоятнинг кўплаб беморлари бирдек



миннатдор бўлиб кетмоқда. Бу шифокорлар шунчаки дардга даво билан бирга, инсон руҳига ором, қалбига эса таскинлик ҳам бахш эта оладилар.

Оғриқдан синган юракларга, юролмай қийналган қадамларга, дарддан тўлқинланган кўзларга ёрдам қўлини чўзадиган инсонлар бор экан, демек, умид ҳам, шифо ҳам топилади.

Латифжон менга ана шундай умидни, тезроқ тузалиб, оилам бағрига қайтишимга бўлган ишончимни

уйғота олди. Саломатлигимни тиклашда ўз касбий меҳнатларини аямаган ревматология бўлими мудири, тажрибали шифокор, Латифжон Зиёдиллаев ҳамда жамоадаги шифокорлар ва бир-биридан чакқон ҳамшираларга дил изҳоримни билдираман. Сиз азиз тиббиёт ходимларининг халқимиз саломатлиги йўлида қилаётган фидокорона меҳнатингиз, касбга садоқатингиз ва инсонпарварлигингиз юксак эътирофга лойиқдир.

Дарҳақиқат, инсон қадри – энг улуғ қадрият. Бу қадриятни хар куни ўз амалида исботлаб келаётган Латифжон Зиёдиллаев ва унинг аҳил жамоасига яна бир бор ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, уларга соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик, фаолиятларида эса муваффақиятлар тилаб, доимо элимиз назарида бўлишларини истаб қоламан.

Ҳурмат билан,
Хикоят ТОЛИПОВА,
Навоий вилояти, Кармана тумани.

“Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” дастури нима?

Кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёти изчил янгиланмоқда. Бунинг биринчи “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли эзгу саъй-ҳаракатлар ҳам тасдиқлайди.

Аввало, Президентнинг жорий йил 19 майдаги “Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини тақомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва унинг ижросига қаратилган қароридан ушбу дастур билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб берилганини айтиш зарур.

Хўш, “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” дастурининг асосий мақсад-муддаоси нималардан иборат?

Сўз юритилаётган ҳужжатлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, дастур орқали 2025 йил 1 июндан бошлаб қисқа муддатда тиббиёт муассасаларида аҳоли учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг соҳага бўлган ишончини орттириш мақсад қилинган.

Бу борадаги вазифалар қуйидагилардан иборат:

“Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” дастурининг мақсади нима? Тиббиёт муассасаларида қўлай шарт-шароитлар яратиш, таъминлаш, ўқув-тарбия билан таъминланади;

–қўлай рўйхатхоналар таъмин этилади;

–онлайн қабулга ўзилиш имкониятлари кенгайтирилади;

–аҳоли, беморлар ва ногиронлар ҳаракатланишлари учун қўлайликлар яратилади;

–“Она ва бола” хоналари таъмин қилинади;

–хоналар ва йўлаклар тежамкор замонавий ёритиш қурilmалари билан жиҳозланади;

–санитария-гигиена хоналари таъминланиб, шахсий гигиена воситалари билан таъминланади;



–тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳоли ва беморлар учун қўлайликлар яратиш имконини берувчи бошқа тадбирлар амалга оширилади.

Қолаверса, дастурда тиббиёт ходимлари иш самарадорлигини ошириш, кераксиз, бюрократик жараёнларни аниқлаш, тиббиёт ходимлари ва аҳолини мақсадсиз вақт йўқоти-

шига олиб келадиган бюрократик тартиб-қоидаларни қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, мақсад аниқ, вазифалар ҳам. Албатта, уларнинг изчил ижроси соҳа ислохотларини янги босқичга кўтаришга замин яратди.

@ssvuz



ТУЗАТИШ
“O'zbekistonda sog'liqni saqlash” газетасининг 2025 йил 19 июндаги №11(1522) сони №11 (1521) деб ўқилсин.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Таҳрир ҳайъати раиси –
Асилбек ХУДАЯРОВ – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ – профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.
Анвар АЛИМОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Фарҳод ХАНАПИЯЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.
Дамин АСАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Нурмат АТАБЕКОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Жасур РИЗАЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Мурат ҚУРБАНОВ – Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Фарҳод РАҲИМКҲУЛОВ – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири қотибияти.
Фурқат САНАЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот қотиби.
Барно ОДИЛОВА – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Стратегик режалаштириш, статистика ва самарадорлиқни баҳолаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
Улуғбек СОБИРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Саидмурод ИСМАИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Муроджон ИРИСМЕТОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Азамат ЮСУПОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Солижон МҲМИНОВ – тиббиёт фанлари номзоди.
Хуршид ФОЗИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Наргиза ПАРПИЕВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Илмира РАЗИКОВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шухрат БОЙМУРАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Рихси САЛИХАДЖАЕВА – тиббиёт фанлари доктори.
Валихон ҲАКИМОВ – тиббиёт фанлари номзоди, доцент.
Зафар СИДДИҚОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Зоҳид АБДУРАҲИМОВ – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Назарбек санаторийси директори.
Ғайрат КАРИЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шухрат МУХТОРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Раъно НОСИРОВА – Ҳамширалар академияси ректори.

Бош муҳаррир
ИБОДАТ СОАТОВА

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета “Шарқ” нашриёт –матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41уйТел/факс: (71)233–11–07.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда “O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana”газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида чоп этилган. Адади – 625 дона. Буюртма рақами Г–610. Босмахонага топшириш вақти: 21–00. Топширилди 20–00. 3 4 5 6 7